


**БАРИНЧИ
ЎСТАН**



КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

15 июл куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Жўрабеков раислигида истеъмол бозорини энг зарур моллари билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари М. Усмонов аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳукумат қабул қилган айрим қарорларнинг ижроси тўғрисида ахборот берди.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Республика прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У Президент Ислам Каримовнинг яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг муҳокамасига бағишланди.

Ҳайъат мажлисида Республика Бош прокурори Б. Мустафоев нутқ сўзлади ва оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакат қурилиш мажмуалари учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Йиғилишда тегишли вазирликлар ва концернлар иштирокида лойиҳалаш ишларини такомиллаштириш юзасидан давлат дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ИККИ ЯРИМ МИНГ ИШЧИ ЎРНИ

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида 183 та кичик корхона ва 89 та фирма фаолият кўрсатмоқда.


Фақат жорий йилнинг ўтган даври ичида улар қарийб 4 миллион сумлик маҳсулот тайёрлашга эришдилар. Бунда тумандаги «Мармар», «Порлоқ», «Наққош» каби кичик корхоналарнинг муваффақияти салмоқли бўлаётир. Муҳими, ҳозирги пайтда Иштихонда кичик ва хусусий корхоналарда икки ярим минг киши иш билан таъминланди.

ИЛК МАЪРИФАТ БУЛОФИ

Мамлакатимизда энг кекса нашриёт ҳисобланган «Ўзбекистон» нашриётининг ташкил топганига 70 йил тўлди. Шу давр ичида нашриёт ўз фаолиятида халқимизнинг маърифий эҳтиёжини қондириш учун катта ишларни амалга оширди.

«Ўзбекистон» нашриёти ҳозирги пайтда турли соҳаларга оид нашр ишларини амалга оширмоқда ва ўзининг 70 йиллик тўйини муносиб тўннарлар билан кутиб олди.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал

УЧТА

СОҒЛОМ

2-БЕТ

УНУТ БУЛГАН БУЮМ

3-БЕТ

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

5-БЕТ

ДУРУСТБОЙГА ДУРУСТ БУПМАДИ

8-БЕТ

А. ИММОХУЖАЕВ:

«ФУТБОЛ — ҚУВОНЧИМ, ДАРДИМ, ФАХРИМ»

КОРХОНА, ТАШКИПОТ, ТИЖОРАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА!

«Оила ва жамият» газетаси муҳлис-ларга бой оилавий ҳафталик газетадир. Шуниг учун реклама ва эълонлар ҳамда билдирувларингизни «Оила ва жамият»да чоп этсангиз, тезда ҳождангиз амалга ошиши мумкин.

Реклама ва эълонлар энг арзон келишган нарҳларда қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри,

Мустақиллик майдони, 5-бино.

ин: 700078 «Оила ва жамият» газетаси.

Телефонлар: Бош муҳаррир 39-48-73,

хатлар ва эълонлар бўлими 39-43-95

— Савобнинг нархи қиммат, шунинг учун харидори кам, гуноҳ текин булганлигидан унга талабдорлар кўпайиб кетди, — деди автобусда кетаётган отахонлардан бири.

Бир неча одам бу фикрни маъқуллади. Юрагимдан бир оғриқ, алам утди. «Яхшилик уз номи билан яхшилик, узини бозорга солиб, шов-шув қилишни ёқтирмайди. Эзгу ишлар янаш тарзига айланиб қолган тақдирлар камми? Булмаса ҳаёт мувозанатдан чиқиб кетади-ку...»

Отахоннинг юқорида истеҳзо билан айтган гаплари билан хаёлан баҳслашиб борарканман, ҳақиқатга бир ҳамшаҳаримга берган ваъдамдан қисман қайтдим. Яъни у ҳақда ёзмаслигим керак эди. Лекин...

... Унинг ишхонасига учинчи бор келишим. Биринчи марта 3 йил муқаддам йўқлаб боргандим. «Иш билан Болтиқбуйи республикаларига кетган», — дейишганди. Иккинчи марта борганимдоям шунга ўхшаш жавоб олгандим. Бу сафар эса ишхонанинг эшиги қулф, дам олиш куни экан. Яна умидсизликдан рўҳим тушибди, эн томондаги дуконча сотувчисидан шунчаки: «Бу магазиннинг бошлиқларига кузингиз тушмадимми, мабодо?» деб сурадим.

— Улар шу ерда, — деган жавоб бўлди. — Орқа томонга айланиб утинг, идоралари уша ерда.

Ниҳоят турли давраларда турли одамлар номини ҳавас-у, ҳурмат билан тилга олган йигит билан учрашдим. Унинг камтарлигини ҳам кўп эшитгандим. Шунинг учун ҳам гапни узоқдан бошладим. У бошлиқ жамоа амалга ошираётган ишларни мақташ эмас, ибрат қилиб кўрсатиш ниятида эканлигини айтдим.

...Дарвоқе, азиз ўқувчи, бир пайтлар оммавий ахборот воситаларида Марғилонда жума кунлари шаҳар транспортда юриш текин қилинганлиги ҳақида хабар берилганди. Уша ҳа-

ражатни зиммасига олган ҳам мана шу йигит бошлиқ жамоа эди. Кўп фарзандли, камҳарж, ногиронларнинг оиласига худди шулар кўрсатган салмоқли моддий ёрдамлар ҳақида ёзилмаса ҳам, миннатдор одамлар гапириб юришибди. Ногирон ларга эҳтижмандларга

МАРҒИЛОНДА ШУНДАЙ ЙИГИТ БОР

уйлар ҳам қуриб беришган.

Лекин жамоанинг асосий иши бошқа. Енгил саноат моллари билан савдо қилувчи бу фирма дуконидан марғилонликлар озмунча маънафатдор бўлишмади. Магазин давлат тасарруфида эканлигида ҳам қўшни республикалардаги ишлаб чиқариш корхоналари билан тил топишиб, вагон-вагон моллар келтиришди, энг камҳарж оилалар ҳам оғринмайдиган нархларда сотишди. Хуллас юқорида «берган ваъдамдан қисман қайтдим» деганимнинг боиси шуки, у ҳақда ёзаяпман.

— Опа ишларимиз агар озгина савобга тўғри келса, савоблигича қолсин. Ёзманг, — деди сўхбатдошим қатъий.

Гап оҳангига қараб, розидик бермоқдан узга чорам қолмади.

— Майли, фақат билгим келади: бундай эътиқодни дилингизга кимлар сингдирган?

— Ёшлиқдан қийналиб катта бўлганман. Лекин менга иш ўргатган одамлар кўзи, кўнгли, меъдаси тўқ кишилар эди. Савдода иккита нарсага қатъий риоя қилиш керак. Биринчиси пулнинг кетидан қувмаслик, иккинчиси пулни қурганда тескари қараб кетиш керак. Шунда худо ишларингиз-

нинг ривожини бераверади. Яна бир шартки, пул улик ҳолда ётмай дароим ишлаб турсин.

Бугунги кунда айниқса, савдо-сотик, пул, фойда ҳақидаги сўхбатлар, баҳслар ҳар қадамда дуч келамиз. Кўпинча кўнгила тетади. Лекин бу сафарги

сўхбатдошимиз тижоратни инсонийлик мезонлари билан боғлаб билдираётган фикрларини тинглаганим сайин кўнглим кутарилиб борарди. Узоқ утириб унинг вақтини олгим келмади. Чунки котиба аёл телефонда Самарқанд билан боғланиш ҳаракатида, бошлиқ ҳам шунини кутарди.

— Хўп булмаса, — дедим ҳайрлашарканман. — Бундан кейин йулим тушса, журналист сифатида эмас, шундоқ ҳол-аҳвол сурашга кириб тураман.

Йигит кулди: — Бемалол, опа!

Кетдим. Йул-йўлакай бошқа воқеа ёдимга тушди. Ушандаям мени йирик корхонага савоб номи билан боғлиқ тадбирга таклиф қилишганди. Яъни жамоа болалар уйига кийим-кечаклар сонга қилаётганди. Борсам, радио, телевидение вакилларидан тортиб вилоят, туман газетаси ходимларига таълим утиришибди. Ҳаммаси мен каби таклиф қилинганлар экан...

Оқоридагиларни мақтов учун эмас, ибрат учун ёзим. Қалбидаги эзгулик юзларини нурлантириб турувчи йигитнинг номини айтмаган бўлсам-да, марғилонликлар ким ҳақиқатини дарров билишади, ёзилганларга яна қанча яхши ишларни қўшимча қилишади.

Муҳтарама УЛУФОВА



УНУТ БЎЛГАН БУЮМ

... Бундан 20-30 йиллар муқаддам чўпон-чўлиқларнинг қароргоҳида, қир-адирларда галла ўраётган уроқчиларнинг чодирларида катта-катта мешлар сувга тула турарди. Ишлаётган одамларнинг узлари, йўлдан утган-кетган йўловчилар мешнинг сувидан бир коса ичиб хузур қилардилар. Бу сувдан қилинган чалоп жоннинг роҳати бўларди.

Ҳозир саратонда тез-тез ташна бўлиб турадиган одамлар музлатгичларга сув қўядилар. Сунгра оққа муз қатлами қопланган сувни сипқорадилар. Бу сув ташналикни қанчалик қондиришидан қатъий назар чарсиллаб қизиган баданин шунчалар қақшатади ҳам. Бундай эҳтиётсизлик туфайли азият чекканлар ҳам оз эмас. Мешнинг суви эса на тишингизни чатнаатади, на томогингизни бўғди. Аксинча, роҳатланиб ичасиз, ташналигингиз қонади. Узингизни қандайдир енгил хис қиласиз.

Мавзунимга сабаб бўлган меш ҳозир борми? Меш қандай тайёрланади, уни истаган одам ҳам тайёрлай оладими? Бу ва бошқа саволларга жавоб излаб айрим кишилар билан сўхбатлашдик.

Олтинсойнинг тоғли қишлоқларидан бири — Зардақул деган ерда истиқомат қилувчи Нурман полвон Хўжамқулов шундай ҳикоя қилади:

— Мешнинг афзалликларини асти сураманг. Бизнинг ёшлигимизда уй бошига биров-икковдан меш бўларди. Ёшлигимиздагина эмас, бундан йигирма йиллар аввал ҳам меш бор эди. Холдлик деган нарса чиққандан кейин одамлар унга қарамай қўйишди. Ух-ху, мешга ухшаган буюм борми! Саратонда галла уримига, қир-адирларда бўладиган бошқа юмушларга, хирмонга, қаерга борадиган бўлса, хуржуннинг кўзида сув тула меш бўларди. Чунки ёз фаслида сойлардаги баъзи бўлоқларнинг суви қуриб қоларди, ёки борадиган еримизда сув шўрроқ, нотоза бўларди. Яна бир нарса шуки, ҳозирги алюмин, пласмасса идишларни уловга ортиб юриш қандайдир ноқулай.

Илгари хуржуннинг икки кўзига иккита меш солардингиз, уловингиз безарар кетаверарди. Мешнинг яна бир аф-

заллиги шуки, унга илмиқ сувни солиб қўйсангиз ҳам маълум муддат утгандан кейин ўзи совийди. Мешга солинган сувнинг таъми бузилмайди, хушхўр бўлиб туради. Ичсангиз, мазаси оғзингизда қолади.

— Меш нимадан қилинади, уни тайёрлаш йуллари қандай?

— Майда мол сўйилганда қассоб унинг терисини шикастламай сидириб олиши керак. Терини дарров тузлаб ташлаш лозим. Сунгра теридаги жун яхшилаб қириб ташланади. Эчкининг қилидан йигирилган ип билан терининг бўйин томинида ташқари барча ери яхшилаб тикилади. Чунки бошқа хилдаги иплар чириб кетиши мумкин. Кейин эса ичига қармақ солинади. Қармақ-урқининг, шафтолининг томир пўстлоқларидир. Бу пўстлоқлар қозонда қайнатилади. Сўнг мешнинг ичига тиқиб солинади. Меш шу туршида 15-20 кун сақланади. Қуриб қолмаслиги учун мешнинг устидан сув сепалаб қўйсангиз ҳам зарар қилмайди. Қармақ билан турган кунлар ичида мешнинг териси пишйди, унинг иси ҳам йўқолади. Сўнг сув солиб фойдаланаверасиз. Саратонда мешга сув тулдириб суви жойга қўйинг, неча кун турса ҳам суви бузилмайди.

Болалигидан бери Олтинсой туманининг қир-дашларида, тоғларида қўй-эчки боқиб билан умр кечираётган Сайдулла чўпон Алимов шундай дейди: «Мешнинг зури «чори серка» ёки «панжи серка»нинг терисидан чиқади. Бу терилардан қилинган меш ҳам катта, ҳам пишқ бўлади, суви эса кўп одамга етади. Бир вақтлар меннинг ҳам мешим буларди, қаёққа борсам бирга олиб юрардим. Музлатгич ҳам ёмон буюм эмас, лекин у бузилиб қолса нима қиласиз? Иккинчидан, дала-дашларда электр токи бўлмайди, музлатгичдан фойдалана олмайсиз.

Мақоламизнинг қаҳрамони одамлар эмас, балки оддийгина бир буюм бўлди.

Унут бўлиб ҳаёлдан тобора кўтарилиб бораётган кўна буюм-идиш ҳақида сўз юртаким. Аслида бу мавзу атрофида гап қилишнинг кераги бормиди? Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Махмуд АБУЛФАЙЗ Сурхондарё вилояти

Акс-садо

МЕН ИСМОИЛНИ ОҚЛАЙМАН!

Ассалому-алайкум, ҳурматли тахрират ходимлари!

Мен «Оила ва жамият» ҳафталигининг 21-сонида эълон қилинган «Жамият» номли мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. Ва уз фикрим билан уртоқлашимиз лозим топдим.

Сир эмас, бозор шароити қўлчиликни тижорат билан машғул қилиб қўйди.

Аслида бунинг унчалик ёмон томони йўқ. Тўғри-да, пул топиш, яхши яшашни ким ҳам истамайди дейсиз. Лекин бу истак одамнинг турмуш тарзига айланиб қолса, ҳаё, ибо каби тушунчалар урнини пул, молдунё эгалласа ёмон. Мен бу гапларни бекорга айтганим йўқ. Ҳозир эркакни уйда қолиб, аёли пул топиш илнжиде куча кезаётган оилалар кўпайиб кетди.

Менинг шахсий фикрим, аёл аёллигича қолиши керак. Ана шунда оила ҳам, жамият ҳам мустаҳкам бўлади. Ҳозирги аёлларнинг «эркак» бўлиб шаҳар кезиши эса мени кўп ўйдантиради. Гоҳида бундай оилаларга эркакларнинг гурури қаерда қолди? Ёки улар аёли топиб келган пулга маълие бўлиб утирибдиларми деб, ўйлаб қоламан... Аммо ҳамма айбни эркакларимиздан қилириш ҳам нотўғри. Зеро, қадимгилар «эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин», деб бекорга айтишмаган.

Мақолада «Ким айбдор?» деган савол қўйилади. Менимча, бош айбдор Гуласалнинг узи. Чунки у онасининг сўзини олмади. «Яхши отга бир қам-

чи, ёмон отга минг қамчи» деганлар. Аёл учун оналикдан ва сеvimли ёр булишдан ортиқ бахт булмаса керак. Гуласал эса бундай саодатга тупурди ва жазосини олди.

Исмоил тўғри иш қилган. Мен хоҳлардимки, уни суд гуноҳсиз деб топса. Балки менинг Гуласалга бўлган нафратим жоҳилликдай туюлар сизга. Лекин биз миллатнинг боши аёл эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам бундайларга нисбатан қандайдир жазо чораларини қўллаш тарафдориман.

Мен ҳаётда жуда кўп қийинчиликлар кўрдим. Лекин бирон марта ҳам бундай йул туттиш ҳаёлимга келган эмас. Ҳозир ёшим 38 да. 3 та фарзандим бор. Турмуш уртоғим вафот этганлар. 8 йилдан буён болаларимга ҳам она, ҳам отаман. Рузгор ташвиши, оила аравасини бир ўзим тортишим осон бўлаётгани йўқ. Лекин бузуқ йўлга юриб қорин тўйдириб, фарзандларим бўйнига бузуқ аёлининг боласи деган таъки-лаънат осилгунча очимдан талвинган яхши деб ўйлайман. Узим ҳалол, покиза яшаб, фарзандларимни ҳам шунга ургатаман.

Гапимнинг ҳулосасида яна бир қарра такоррламоқчиман: сенинг қандай бўлишинг аввало узингга боғлиқ. Сени ҳеч ким мажбуран бир кучага олиб қирмайди. Гуласал ҳам бундай тубанликка уз оёғи билан юриб борди...

Маърифат МЕЛИЕВА, Тошкент шаҳри

• **Меърож адаби**

ТАНСИХАТЛИК

Ажамлик хозик табиб Расулulloх хизматига келди. У узок йиллар Дуна кезиб, кўп инсонларни даволаб катта шухрат қозонган эди. Лекин Расулulloх саҳобаларидан ҳеч ким унга касаллигидан шикоят қилиб келмасди, чунки бемор одамнинг ўзи йўқ эди. Бир кунни табиб Расулulloх ҳузурда шу ҳақда гап очди. Мухаммад (САВ) дедилар: «Бизнинг тоифадаги одамлар иштаҳалари голиб келмагунча таом емайдилар, иштаҳалари жуда очилган пайтда кўлларини артадилар».

Табиб деди: «Ё, Расулulloх! Сизларнинг ҳаммангиз соғ-саломат экансиз. Бу ерда менга иш йўқ экан, шунинг учун ижозат берсангиз, ўз шахримга кетсам». Расулulloх унга ижозат бердилар.

ШАЙТОНГА ТЎСИК

Пайгамбаримиз Мухаммад (САВ) ўз аёлларидан бўлмиш София билан ўтирган эдилар. Ансорлардан бири шу ердан ўтиб қолди ва уларни кўриб салом берди. Расулulloх алик олиб, дедилар: «Бу менинг аёлим София бўладилар».

Ансорий деди: «Ё, Расулulloх! Сиз ҳақингизда ёмон фикрда бўлишим мумкинми?»

Расулulloх унга шундай жавоб қайтардилар: «Эй, мард инсон! Шайтон гоҳида одамнинг қон томирларида ҳам ҳаракат қилади. Мен эса ўша шайтон йўлларини ёпиб қўйгучиман».

ЁНҒОҚНИНГ БАҲОСИ

Расулulloх болаларга жуда меҳрибон эдилар, улар билан ҳамма вақт ширин суҳбат қурадилар. Набиралари Ҳасан ва Ҳусайнни елкаларига миндириб, от бўлиб ўйнатдилар.

Бир кун намоз вақти яқинлашганда масжидга бориш учун уйларида чикдилар. Кўчада бир тўда

болалар ўйнаб юришарди. Улар пайгамбаримизни ўраб олишди ва: «Ҳасан-Ҳусайнни яхши кўрасиз, улар билан ўйнайсиз. Биз билан ўйнашни хоҳламайсизми? Ёки биз сиз учун азиз эмасмизми?» — дейишди.

— Сизлар ҳам азизсиз, лекин ҳозир масжидга кетаяпман. Бошқа са-

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

фар ўйнаймиз, — дедилар у киши. Лекин болалар «биз ҳозир ўйнашни истаймиз», деб туриб олишди.

Масжидда ҳамма пайгамбаримизни кутарди. Билол у кишини излаб келиб, болалар орасидан топди. Билол уларни ҳайдамочки бўлди, лекин Расулulloх унга танбех бердилар. Сўнг уйга жўнатиб, бир ҳовуч ёнғоқ келтиришини тайинладилар. Билол келгач, Мухаммад (САВ) болаларга қараб дедилар: «Келинлар, маслаҳатлашиб олайлик. Фараз қилинг, мен туяман. сизлар туяни сотиб юбормоқчисизлар. Мен эса ўзимни сизлардан сотиб оламан ва эвазига ёнғоқ бераман».

Болалар рози бўлишди. Расулulloх Билол келтирган саккизта ёнғоқни уларга улашиб йўлларида давом этдилар. Болалар ёнғоқни кўриб жуда хурсанд бўлишди. Мухаммад (САВ) масжидга келиб кеч қолганларининг сабабини табассум билан саҳобаларга изоҳлаб бердилар: «Биродарим Ҳазрат Осуфни акалари бир неча дирҳамга сотишган эди. Мени эса мадиналик болалар бир неча ёнғоққа сотиб юборишди».

АЛИНИНГ ЛИБОСИ

Бир кун Ҳазрат Али хизматчиси Қамбар билан бозорга чиқдилар ва иккита кўйлак харид қилдилар. Уларнинг бири икки дирҳам, иккин-

чиси уч дирҳам турарди. Арзонини ўзлари кийиб, уч дирҳамли кўйлакни Қамбарга бердилар. Шунда Қамбар деди: «Ё Амиралмўминин! Сиз кўпчилик билан муомалада бўласиз, бу либос сизга муносиброқдир». Ҳазрат Али дедилар: «Йўқ, Қамбар» сен ёшсан, ҳаётингда кўп

қийналгансан. Агар мен яхшисини олиб, сенга арзонини берсам, виждонимга тўғри келмайди. Ахир Расулulloх ҳам айтганлар-ку: «Уйингизда хизмат қилаётган кишиларнинг таомлари ва либослари ўзинингизникидан яхшироқ бўлсин», деб».

Рубоий:

**Зар қадрини заргар билур,
Жавҳар қадрини жавҳари.
Гул қадрини булбул билур,
Қамбар қадрини Али.**

ТАҚДИР

Амиралмўминин Ҳазрат Али қулай деб турган қийиқ девор тагида ўтириб, ҳалойиқ билан суҳбат қурмоқда эдилар. У ерда турганлардан бири деди: «Ё Ҳазрат Али! Бу девор тагида ўтирманг, йиқилай деб турибди».

Ҳазрат Али унга жавобан дедилар: «Ажали етмаган бўлса қийиқ девор ҳам жойида тураверади. Вақти соати етган бўлса, тўғри девор ҳам қулаб тушади. Имони бутун бандаларини эса Аллох ҳамма вақт ўз панохига асрайди».

ИСРОФ ВА ИНСОФ

Бир кун Имом Ходий бошига сала ўраб Масжидга чиқдилар. У ерда сарой мутаваллиси билан ёнма-ён ўтириб қолдилар. Мутавал-

ли Ходийнинг салласига кўз ташлади. У жуда нафис матодан тайёрланган эди. Мутавалли сўради: «Эй, Имом Ходий! Бу дасторни қанчага олдингиз!» Имом Ходий дедилар: «Менга совға қилган киши беш юз кумуш дирҳамга сотиб олган экан». Мутавалли киноя билан кулиб сўради: «Айтингчи, беш юз дирҳамли дастор ўраш исроф эмасми?» Имом дедилар: «Эшитишимча, ўзлари минг динорга хориждан канизак келтирибдилар».

— Тўғри, лекин бу менинг саволимга жавоб бўлолмайди.

Имом Ходий шундай дедилар: «Мен беш юз кумуш дирҳамга дастор ўраган бўлсам, бу юзимнинг азизроқ бўлиши учундир. Сиз эса минг динорлик қизил тиллага канизак олдингиз, бу ишрату лаззат учундир. Инсоф қилиб айтингчи, қайсиниси исроф бўлади?»

Мутавалли мулзам бўлиб қолди.

ИЛМ ВА ДАВЛАТ

Басра аҳли орасида илм афзалми ёки давлатми деган ихтилоф пайдо бўлди. Кейин Абдуллох ибн Аббос (р. а.) олдига киши юбордилар, ҳамда у кишидан юқоридаги саволга муносабатини сўрадилар. Абдуллох ибн Аббос шундай дедилар: «Илм бойликдан афзалдир». Элчи яна сўради: «Агар мендан «қайси далил исботга суянсан» деб сўраб қолишса-чи? Абдуллох ибн Аббос жавоб бердилар: «Илм пайгамбарлардан қолган мерос, бойлик эса фиръавннинг меросидир. Илм сени сақловчи паноҳинг ва сен молни сақловчи паноҳдирсан. Мол эгасидан қиёмат кун икки нарса сўралади: биринчидан, нима касб қилдинг, иккинчиси, нима нафақа бердинг? Илм эгаси эса даражасига қараб беҳишдан жой олади».

Баҳриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлади

**БАРАКА ҲАМ БОР,
РИЗҚ ҲАМ БИСЁР**

Шарофбойни қишлоқдошлари жуда яхши кўради. Нега десангиз, ҳали ёш бўлса ҳам, одамларнинг қорига яраяпти. Жувозаш. 8 йил бурун шу ишни бошловди, бугунга келиб катта устам бўпти. У қурган йигирмага яқин жувозлар Жиззахда, Фарғона-ю, Қўқон, Чимкент-у, Самарқандда одамларнинг оғирини енгил қиляпти. Бундан қишлоқдошлари ҳам хурсанд. Негаки, Шарофбой ясаган жувозлар қишлоқ номиниям машҳур қиляпти.

Жувознинг аҳамиятига келганда эса гап кўп. Ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган жувозларни бекорга макташмас экан-да. Янги чиққан жувозларнинг маҳсулоти сал аччиқроқ бўлади. Юкни қўйдириб юборади. Ёғочдан ясалган жувозларда эса мой сифатли чиқади.

Нега мунча жувозга ёпишиди бу дегувчилар ҳам бор. Улар асосан ёшлар. Сабоби, жувознинг, унинг маҳсулотининг аҳамиятини, сифатини билмаймиз. Шу тўғрида икки оғиз сўз:

Илгари кўпчилик одамлар жуда бақувват бўлган. Кетмон чопса, ер зириллаган, тошларни бир уриб майда-майда қилган. Афсоналар, дostonлардаги қаҳрамонлар ёлгондан тўкиб чиқарилмаган-ку ахир. Нега энди бунга инжиқлашиб кекирдаямиз чўзилиб бораёпти? Ҳеч иш қилмай «ишлаб» келамиз-у, «чарчаганимиздан» таппа ташлаймиз. Олдинги замонлар ҳар қалай 70-80 фоиз овқатнинг ёғи жувоз мойи бўлган. Ҳозир-чи? Уларни организмимиз ҳатто кўтаролмай қолган. Мана, ҳамма бало қаерда?

Шарофга ўхшаган жувозкашлар қилаётган ишнинг маъносини тушунмаймиз ҳам. Билмагандан кейин шу-да. Мисол учун зиғирдан мой олса чигит қўшармиш, похол қўшармиш деб пачақилайди-

ган қанча? Аслида чигитнинг вазифаси ёғни чиқарса, зиғир похולי ёғнинг «арматураси»-ку.

Шарофнинг Одилов номдаги қишлоқда обрўси катта дедик. Унинг Деҳқонобод хўжалигида ҳам, Пайарикда ҳам хурмати яхши. 7 минг кишилик катта қишлоқда ўша 1987 йилда колхоз қуриб берганидан бошқа Шароф яна 3 та жувоз қурди. Секин-аста шу атрофнинг халқи шу мойга қайтаяптиям. Шундай бўлишиям керак. Бунинг ҳатто «соғлом авлод» деганимизгаям фойдаси катта. Хотини туққан куёвтўра секин бодом ёғи излаб қолади. Негалигини билганидан шундай қилади-да. Жувоз мойларининг ички органлар фаолиятига жуда катта фойдаси бор. Умуман айтганда, умрни узайтиришга хизмат қилади, дейиш лоф эмас.

Айтганча, Шароф Қодировнинг жувозларида 10 кг. кунжутдан 6 кило ёғ чиқса, 5 килога яқин кунжара олинади. Озроқ чигит билан зиғир похолиям қўшилади-ку. Хуллас чиқитсиз. Кунжараси сигирнинг жони. Таркибидаги калорияси расамадида. Чунки ҳар кимга ўз насибаси теккани маъқул. Бўлмаса кунжарани қуруқ қилиб ёғни сўлдириш мумкин, лекин барака, сифат деган томонларниям ўйлаш керак.

Хуллас, шунақа гаплар. Асли жуда тошиб-жўшиб ёзиш керак бу ҳақда. Дарвоқе, жувоз мойининг аҳамиятини заррача кўпиртириб юборди десангиз, уни биладиганлардан сўранг. Шарофбой зарур бўлиб қолса, Пайарикқа бир ўтарсиз...

Хусан ЭРМУҲАММАД
журналист



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

• **Рейтинг**

ҲАҚИҚИЙ КИНО ИШҚИБОЗЛАРИ ҚАЕРДА ЯШАЙДИЛАР?

Яқинда «Синема» журнали Европа давлатларида кино савдоси мезони билан боғлиқ статистик маълумотни эълон қилди. Биз уларнинг орасидан энг қизиқарли кўрсаткичларни таллаб олдик. Демак: кинотеатрлари сони, унга бир йилда томошага тушадиган томошабинлар сони ва албатта чипта баҳоси.

Мамлакатлар	Йиллик томошабинлар сони (млн.)	1995 йил бошигача бўлган театрлар сони	чипта баҳоси (АҚШ доллари ҳисобида)
Германия	132	3823	8,5
Франция	113	4400	8,9
Англия	113	1890	5,6
Италия	98	3200	7,3
Испания	87	3200	4,2
Россия	50	1900	0,8
Бельгия	18,3	438	6,5
Швеция	15,9	1169	8,9
Нидерландия	15,8	410	7,9
Венгрия	15,3	630	2,2

Душанба. Эрталаб. Хонага олдинма-кейин кириб келган икки аёл иш жойларига ўтириб, шоша-пиша узларини ойнага сола бошлади. Шу пайт кўшни хонада ишловчи ҳамкасб йигит кириб, булар билан саломлашди.

— Дам олиш кунларингиз яхши ўтди, опажонлар, — деди у хушхольлик билан.

Аёлларнинг бири кудди. Сунг ҳазил аралаш деди:

— Эй, укагинамей, аёл киши қачон дам олади, ўзи? Ундан кура уйларингизда яхши ишлаб келдинглар-ми, дегангизчи?!

Йигит опаларига яхши кайфият тилаб чиқиб кетди. Шунда икки аёл бир-бирига беҳиёр тикилиб қолди. Чиндан ҳам, ўтган икки кун — дам олиш кунлари эди. Улар қандай дам олишди ўзи?

— Сиз шанба-якшанбада нималар қилдингиз, — аёл қизиқиш билан суради шеригидан.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай. Шанба кунини уй кутардим. Ювдим-чайдим. Улғудай чарчадим. «Ке, куй эртага иш қолмасин» дедим, кеч бўлса-да, болаларимниям чўмилтириб олдим. Якшанбада азонда эшигимиз жиринглаб қолса денг. Чиксақ, беш-олти мөҳмон. Эрталабки поезздан тушишибди. Кечгача шулар билан...

— Ҳм. Мөҳмонлар ҳам дам олиш кунини пойлаб келишди-да, — деди шериги ачинган бўлиб.

— Э, уртоқжон, улар ҳам нима қилсин. Бошқа кунлар ишда бўлишди-да. Хуш, узингизчи, курунишингиз бинойидек, юзларингиз тип-тиниқ. Яхши дам олгансиз шеклилли.

— Бе, қаёқда дейсиз. Қирлар тоғ бўлиб уюлиб ётудди. Шанбада кечгача ююб тугатдим. Эртаси кунини қўшимникида маърака бор эди, шунга бир соатга чиқдим. Келсам, болалар уйини тит-питини чиқариб ташлашибди. Йигдим-тердим...

— Дадалари йўқмиди, уйда?

— Э, бу дadalарининг қачон фойдаси теккан уйга? «Чойхонада бемалолроқ ёзилишиб утирамиз» деб, иш кунларидеги «туғилган кун»лариниям якшанбага кучиришди. Эчкига жон, қас-собга мой қайғуси-да!

— Куйинг, ёзгирманг, болаларимиз катта бўлишса уйдаги ҳамма уюшларга қарашини. Ушанда мириқиб дам оламиз.

— Ҳа, омон бўлгур бу болалар катта бўлса, уларнинг ташвиши ҳам катта бўлади-да, айланай. Қайнонам айта-айта юргичиди: «Боланг кичиклигида уй оралаб югурсанг, катта бўлганда юрт оралаб югурсан» деб.

— Ҳай-ҳай, яхши ният қилинг...

Шу куйи икки аёл бир-бирларига дардларини тўкиб солиб, сунг идора хизматига шўнғиб кетишди.

Ҳафта буйи ишлаб чарчаган аёлни-

АЁЛ ҚАЧОН ДАМ ОЛАДИ?

нг дам олиши учун икки кун — шанба ва якшанба бор. Хуш, ҳамма аёллар ҳам бу кунларда дам олармикин? Агар улар дам олишса, ҳафта буйи йиғилиб қолган юмушларни уйда ким бажаради? Дам олиш кунларини кунгилдагидек ўтказиши учун аёл қандай йул тутса қулайроқ бўлади? Умуман, тўлақонли дам олишининг ўзи нима?

Кўпинча кузатаман. Турли идоралардан уйларига қайтаётган кўпгина аёлларнинг кўлларидеги каттакон рўзгорхалталари бўлади. (Ҳатто улар дўкундан сумка танлашайтганда ҳам бежиримгинасини эмас, «бозор-учарга қулай» деб атай каттарогини олишди). Ахир рўзгор дегани гор бўлса, қанча ташисанг-да уни тўлдиролмайсан! Аёл эса ҳафта давомида уйи, идораси ва дўкун орасида саросар кезади. Эрталаб боғча, иш, сунг хизмат орасида сумкасини кўлтирига қўстириб рўзгор эҳтиёжини буглаш учун-да вақт топади. Кечкурун эса яна боғча, сунг уйга шошилади. Уйда ҳам уни бир дунё юмуш кутиб турган бўлади. Супур-сидир, пишир-қуйдир. Аёл иш жойида руҳан толиқса, уйда жисман толиқса. Бу толиқишлар мунтазам такрорланавергач, унинг қадди букилади, сочларига оқ, юзларига ажин қўнади. Бугунги аёл узини уйламайди! Агар у узини уйлаганда эди, узи истагандек ҳаёт кечириши учун вақт ҳам, имконият ҳам топа оларди!

Бир қўшим бор. Ҳеч қачон шошилмайди. Юрганида ҳам қаддини тик тутиб, охисталик билан қадам ташлайди. Кийимлари, ҳатто соч турмаги ҳам тез-тез узариб туради. «Дом-имизнинг шошиб-пишиб, югуриб-елиб яшаётган аёллари уртасида энг бемалол ва осойиштаси шу. «Ҳам уй юмуши, ҳам узингизга қарашга қандай вақт топасиз-а, Рокья опа?» дея қизиқиб сурадим бир кун.

— Ҳафта буйи қилажак ишларимни аввалдан режалаб оламан, — деди у. — Менимча, ҳар бир аёл ҳам шундай қилади. (Шунда ўнғайсизландим!) Масалан, эртанги овқат учун масаллиқни бугун, ярим-фабрикат қилиб тайёрлаб қўйишга одатланганман. Ахир, чарчаб ишдан келганингда битта картошка артиш ҳам жуда қийин туюлади. Агар тайёрлаб қўйсангиз, бу жуда асқотади, ҳар қандай таом бир зумдаёқ пишади! Ҳафта ичида рўзгор юмушларини оз-оздан бажариб қўяман, шунда дам олиш кунларига иш йиғилиб қолмайди. Шанбада жуда зарур бўлган кир-чирнигина ювман. Узим учун алоҳида вақт ажратаман. Ҳаммом, сартарошхона, пардохона... Ҳаммасига улгуришим керак. Якшанбада эса бутун оиламиз билан паррка ё шаҳарнинг чекка жойларига дам олишга чиқамиз.

Дугоналар давраси

тираясиз. Хуллас, икки кун ичида чини-чироқдай ярақлаб, ҳавоси тозаланган уй сизни унчалик қувонтирмайди. Негаки, ўта толиққансиз. Қаранг, уйлар тоғ-тозаю, сизнинг рўҳиятингиз икки кунлари губорлиғича қолаверади...

Сизингча, нима қилиш керак эди? Бошингиз қотади. Яхшироқ уйланг. Турмуш уртоғингиз, болалар, ҳатто бутун бошли уйнинг «руҳий қуввати» сизнинг меҳрингиз билан улчанади. Улар сизга, сизнинг қаровингизга муҳтож. Сизнинг меҳрингиз сизни уларга, уларни эса сизга боғлаб туради. Қолаверса, оилани боғлаб турувчи ришталарнинг узун тортиши ё нозиклашувига ёлғиз узингиз сабабчисиз! Демак, «куча одами» — турмуш уртоғингизни уйга тортиш ҳам, болаларни яйраб-қуватиш ҳам сизга боғлиқ экан. Келинг, эртагаёқ шундай қилинг. Узингизча, аввалдан оилавий дам олишни режаланг. Турмуш уртоғингиз ва болаларингиз билан, узингиз истаган томонга йул солинг. Табиат қуйнига отланг. Қаранг, тип-тиниқ зилол сувлар, ям-яшил майсазорлар, бөгубор осмон, унда чарк уриб юрган қўшлар нақадар гунаҳ! Гузаллик сизнинг рўҳингизни эркалайди, кўзларингизга нур, кўнглингизга чарогонлик олиб киради. Сизни шундай гузал чехрада куриб турмуш уртоғингиз завқланади, болаларингиз сиздек азиз онажони борлигидан севиная-севиная иргиллайдилар. Бу кун сизга шунчалар хузуур, шавақ берадики, узоқ вақт шу куннинг лаззатлари оғушида юрасиз...

Гулчехра ЖАМИЛОВА



С. МУСАЕВ сурати

ҚАЛБНИ

Мен унинг бошида утирибман... Йўқ, у менинг... Аслида бунинг аҳамияти йўқ. Мискин бир қиёфада хаели қасрларгадир

шошган. Юзидеги изтиробданми, қувончданми, англаб бўлмас жилмайиб бор. Бошида ҳарир румол, хиёл юзига беркитан. Мен уни савола тутаман:

— Кумушбиби... булбулнинг гулга ошқилиги нимадан?

ЧЕРТАЁТГАН

Кумушбиби билан хаёлий суҳбат

У эса жим, афтоҳдоҳ аҳволда менга термулди:

— Сиз мабодо қози эмасисиз? — деб сурайди. Мен ҳикоянавислигимни (чунки журналист кимлигини билмайди-да), одамларга булган воқеаларнинг, ҳодисаларнинг аслини ҳикоя қилиб берипимни узунқулоқ қилиб тушунтириб бердим. Ва у билан суҳбатлашганимни ҳам элта етказажимни қистириб ўтдим.

— Сиз жупкарчи экансиз, — деди у ранжигандек.

Мен унга, замон узарганлигини, одамларнинг ҳаётга булган муносабатларини, худласи калом, ҳамма-ҳаммасини айтдим. У рози бўлди. Фақат, «суҳбатни элта еймайси», — деди.

— Сиз кўпроқ кимларнинг де-

вону-ғазалларини ўқигансиз?

— Навоий, Бедил, Зебунисо, Машраб, Фузулий... Эй, жуда кўп. Лекин кўпроқ Зебунисо ва Машрабнинг ғазалларини мутулаа қилганман.

— Негар?

— Негалигини узим ҳам билмайман. Лекин бир нарсани аниқ эсимда. Дадам ул эгаларини ишқ дорига осилганлардир дегувчи эдилар. Узлари ҳам аларнинг ашғорларини

қандайдир жумлани менга сузлаши керак деган фикр хаёлимга уриверди. Тақдирга, андишага, ҳаёга узимча тун бичмоқчи бўлам. Улкан орзуларим, армонларим унинг бегубор нигоҳи олдидеги ҳеч эканлигини шу лаҳзаларда ҳис қиламан. Меҳр, муҳаббат, ишқ, салоқат, деб уртаниб сузлаётганларнинг ҳислари ҳиссиётдан булақ ҳеч нарсани эмаслигини дилдан утказаман. Негадир айтгим келмайди. Дил эса тилдан яширолмайди.

— Ойингиз дадангизга бирон марта қарши гапирганмилар?

— Йўқ. Ҳатто баянд овозда ҳам гапирмасдилар. Бунинг ҳеч тасаввур қилолмайман. Фақат... Мени турмушта узатишларида ойим ваз курсатган эканлар...

Онанинг кўнгли — кўзумчоққа илинган нигоҳ, қалбни чертаётган сеғоҳ, ҳадиқнинг тутамас кенлиги... Худди айтирминни айтиб булгандайман. Уша кенлик сари боргим келмайди. Юрак безиллайди. Йўқ, даҳ-

СЕГОХ

шат билан яна юзма-юз бўлишдан чўчийман. Аммо унинг изтиробларидан кимлардир лаззатланганлик мен ҳам «маза» қилиб ундан сабоқлар олганини истамайман. Зеро, қиссанавис ҳам шу фикрда эди. Нетсинки, пешона, ҳаётнинг аччиқ ҳазили, тақдирнинг йули.

Ҳаммаси сониялар ичида руй берди. Ҳамон мен унинг... У менинг бошимда утирибди. Ҳуеки у ҳеч қаерга шошилмаётгандек, ҳеч кимга интиқ бўлмаётгандек... Нигоҳига бардош беролмадим. У шу қадар маъсумани... кўзларини ююб олдим ва қоронгулик ичра сингиб кетдим...

Тўлқин РҶЗИЕВ



АСТАФУРУЛЛО!

Полвон келбатли аёл ҳар бири шокосадай-шокосадай кукрагини селкилатиб келади.

— Дурустбой икки қули билан уни нари итарди-да дод солиб бошини чайқалди.

— Эм, эмақол,— дейди аёл.— Бу сенинг ризқинг-ку, ахир.

Дурустбой уялади: «Йук, йук, мен еш бола эмасман».

Аёл индамайди, орқасига утирилиб уттиз қадамча юргач, куздан гойиб бўлади.

Дурустбой сергак тортали: «Тупшимми бу, унгимми?». Юзларини, бурунларини чимчилаб куради — жони оғрийди. Ун-ун беш дақиқа шу ҳолатда тургач, қир ошиб кетган қуйларининг орқасидан югуртилади.

Дурустбой уша пайтда ун бешда эди.

Орадан йиллар утди, тоғаси унинг бошини иккита қилиб қуйди, келинчаги «қузилади».

Саратон кунларининг бирида яна уша аёл пайдо бўлди. Тагин кукрагини тутди. Дурустбой беихтиёр унинг куксидан итарди, панжалари сийнасига ботиб кетди.

Бу воқеадан сунг қанча вақт утди — Дурустбой эслаелмайди — қаттиқ оғриб қолди. На оёқ ишлайди, на қул, тана фалаж. Аллоҳ унга фақатгина хона шифтига қараб ҳаёл суриш имкониятигина қолдирди. Ёши йигирма ва уттиз оралигидаги бу норғуд йигитнинг бошига не кунлар тушмади. Унга кирмасдан тоғдан утин ташиди, тезак терди. Ота-си вафотидан кейин онаси ҳам уни тоғасиникига ташлаб, турмуш қуриб кетди. Узи билан синглиси Зубайдани ҳам олиб кетган. Дурустбой уларни жуда соғинади, кечалари йиғлаб чиқади. Тоғаси эса онаси ва синглиси олдига боришга қуймайди. Ишла дейди, пул топ, уйлантираман, дейди. Дурустбой ишла-ишлай топиб келган унча-мунча пулини ҳам тоғаси баъзан харжлаб қўяди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Дурустбой уззу кун қўйнинг ортидан қолмайди. Ҳар қалай, катта энасининг қийин-қистовлари билан тоғасининг бутини бушади. Икки хотинни қушни қишлоқдаги тегирмончининг эшигини супуриб келишга юборди. Қарз-ҳавола билан туй ҳам бўлиб утди.

...Энди рўзгорининг кам-кустини тугрилайман деб кечаю-кундуз ишлаётган Дурустбой шу аҳволда ётибди. Яқин орада духтур ҳам йук. Катта энаси шу атрофдаги қушночу бахшиларни қақриб қаратди, чорёрларга шамлар ёқилди. Хатто қисир эчкига тескари миндириб ҳовли айлантирди — наф бўлмади. Ҳамон уша-уша, тилидан калима тушмайди, узини кургани келган чолу кампирларнинг гангур-гунгурини эшитида, холос.

Кунлардан бир куни қизиқ воқеа юз берди. Дурустбой кейин ҳисоблаб курса тушакка миҳланганининг қирқинчи куни экан. Олдида тоғаси ва яна уч-тўрт чол утирганди. Ҳаёл суриб англамабди — қараса улар йук. Шу пайт эшик очилиб уч киши кириб келди. Биттасининг қулида китоб — катталиги хонтахтадай келади. Иккитаси эса совутга ухшаш кийимда, қулларида дудлама. Қарасангиз одамнинг акси куринади. Улардан бири Дурустбойга яқинлашиб, қулидаги дудамани унга қараб силкиди. Дурустбой шунда англадики, унинг устида ҳам тахта, тагида ҳам.

Тепадаги тахтага санчилган дудаманинг учи унинг бугзига тегиб турибди. Дурустбой куз қири билан енига назар ташлади. Дахшатга тушди. У катта ариқнинг устида ётар эди. Дурустбой ажали етганлигини тушунди, шу жойингиз узида уни худди қуй каби бугзлашади.

Дурустбой қушилиб йиғлади. Уларнинг сафига катта энаси қушилди. Дурустбой нима қилишини билмасди. Фақат кузларидан юм-юм ёш оқар, жигарбандларини қучоқлаб-қучоқлаб ингарди.

— Яраттаниннг каромати бу,— деди тоғаси,— будди, киринглар ичкарига,

Буларнинг бари ҳовла экан. Икки йил бурун дахшатли воқеа содир бўлди. Тўққизинчида ўқийдиган қизи узини томдан ташлади. Бирор жойи лат ёйиш тугул, қизармаган ҳам. Она-си қизидан сураган экан:

— Қўздан буен бир хотин мени ўз хузурига қақираверди-қақираверди.

ДУРУСТБОЙГА ДУРУСТ БЎЛМАДИ

У яна тепага қаради. Биринчиси нукул китоб варақлайди. Ҳар бир варақни синчковлик билан қараб чиқар, аҳен-аҳенда ҳовлига бир қараб қўяди. Вақт имиллаб ўтарди. Китобнинг ҳам санокли варақлари қолди. Шу пайт ҳовлидан гала-говур овоз келди.

— Тезроқ булсаларинг-чи, номозга кечикаялмиз.

Дурустбой бир амаллаб ҳовлига қаради. Ҳовли тула одам эди — чол-кампир, хотин-ҳалаж, бола-бақра... Шуёнда Дурустбойнинг кузи узига эмчагини тутган хотинга тушиб қолди. У ҳам Дурустбойдан кузини узмай турарди. Негадир уни қақирмоқчи бўлди — овози чиқмади. Аёл эса тунд қиефада туданинг ичига кириб кетди. Ҳовлидагилар яна жонланиб қолишди, ичкаридагиларни шошилтирдилар.

Ва ниҳоят, китоб ешилди, қаҳо дамлари ҳам етиб келди, шекилли. Бироқ китоб ушлаган киши бош чайқалди:

— Китобда унинг исми йук экан.

— Энди нима қиламиз?— бараварига сурашди ҳамроҳлари.

— Ҳовлидаги қузилардан бирини сўйинглар!

Фотиҳа қилишиб, кузини қурбонликка аташди. Унинг қонидан олиб, Дурустбойнинг манглайига иккита чизик тортидилар. Сунгра апил-тапил нарсаларини йиғиштирдилар-да, индамасдан чиқиб кетишди. Ёраб, улар эшикдан эмас, деворни ериб ўтиб кетишди.

...Дурустбой кузини очганда тоғаси ва уша чоллар чойни мириқиб хушлашарди. Узлари билан узлари овора — унга боқишгани ҳам йук. Жиққа терга тушган Дурустбой кафтлари билан пешонасини артди. Артди-ю, хайрон қолди...

* — Тога,— дея олди у зурга.

Тоғаси ҳам, чоллар ҳам унга қараб қўриб кетишди. Ҳаммаси епирилишиб бемор тепасида чўнқайишди. Тоғаси сочиқ билан манглайини, кафтларини артди. Ҳеч жойи лат смаган. Билъакс, қон қасрдан пайдо бўлди. Астафурullo, астафурullo, дейишди чоллар. Қон — ёруғлик, деди тоғаси, тузалиш аломатидир балки.

Дурустбой булган воқеани айтиб берди. Чоллар ёқа ушлашди, кимдир яқтагини кутариб, кукрагига туфлаб қуйди. Иккитаси ҳовлига чиқиб келди — ҳеч ким йук. Шунда Сори мулла айтдики, туринглар ҳовлига чиқайлик. Усуп (Дурустбойнинг тоғаси — Юсуф) сен қурадан кузини олиб чиқ. Суй, фаришталар, арвоқларнинг руҳига бир дуо қилайлик.

Кузини сўйдилар. Пиширдилар. Тамалди қилдилар. Шундан сунг Сори мулла бир қироат қилди, бир қироат қилди — Дурустбойнинг боши айланиб, эллари жимирлаб кетди. Ҳамма овмин қилди, Дурустбой ҳам фотиҳага қулини кутарди. Чолларнинг астафуруллоси энди бошланди. Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз фалаж бўлиб ётган қулар фотиҳага кутарилди. Сунг у қулларига суяниб гавдасини кутарди, оёқларини йиғиштириб олди, чордонасига ўтирди. Деворга суяниб, турди, ҳовлига чиқди, учоқ бошида қуймаланаётган келинчаги уни қуриб йиғлаб юбор-

бас қилингллар йигини.

Яна эски ташвишлар бошланди — кишин-езин, кеча-ю-кундуз қуй-қузилар ортидан югургани-югурган. Кунларга суяниб ҳафталар, ойларга осилиб йиллар ўтаверди. Қизларини чиқарди, келин олди.

Энди унинг ташвишлари синглиси Зубайданинг бошига тушди. Уям қирқ кун касал етди, охири қандайдир мо-моларига тавабазарру қилиб, қайсидир отинойидан қул олди — бахши-қушноч бўлди. Худди Дурустбойга ўхшаб Зубайда ҳам бир ўлимдан қолди. Жонини сақлаб қолиш эвазига моллари унга зурриёт бермади. Синглисининг гапларини сузлайверса, унинг узи бир тарих, узи бир тилсимот.

Дурустбой бора-бора буларни ҳам унутди. Аммо бир куни институтда ўқийдиган угли келиб қолди. Ота, маза йук, деди. Нега? Пахтада босинқирадим шекилли. Нима бўлди? Ушлаб ётганимда баҳайбат бир аёл келиб устимдан босди, сал бўлмаса нафасим қайтиб кетай дебди.

Дурустбойнинг куз унгига тагин уша эмчаги шокосадай-шокосадай аёл келади. Ичидагини сиртига чиқармайди.

— Ётган жойинг нотозароқ булгандирла, ҳечқиси йук, андрасмон (исирок) тутатиб юборсанг, утади-кетади.

Лекин кечалари унинг уйқуси қочиб кетади. Ётган жойида уйлайди. Менинг гуноҳларимки бу? Мен нима туноҳ қилдимки, синглим қийналса, жигаргўшам азобланса? Эй хотин, эй моллар, уларга тегинманглар, яхсиси мени олиб кетинглар.

Аммо, ҳеч қандай акс-садо бўлмайди.

Шунинг олдига кетаётгандим. Пастдан мени йуқлаган овозингизни эшитиб қолдим. Қолганини билмайман,— деб жавоб берибди.

Бир ҳафта утгач, қизининг улигини чайладан топиб олишибди. Ковушининг ичида бир энлик хат қолдирган: «Кечиринг ота, мени қуйишмади, уша хотиннинг олдига кетдим...»

Войдод деган ким бўлди, фаред деган ким бўлди? Одамларни гам тутди, қишлоқни мотам тутди. Майитни қуйиб келган кечаси Дурустбой тоққа чиқиб кетди. Узоқ юрди. Бир тепаликка чиқиб, самога юзланди-да, қулларини чузиб бақирди:

— Ҳой энагар хотин! Эшитаяпсанми, туш пахта, олимга кел. Нима ниятинг бор? Тинч қўясанми, йукми? Сенга нима керак узи? Туш пахта, эмчақларинг билан қушиб ютиб юбораман. Нега индамайсан?... Бақиравериб унинг кунгли бушади, йиғлаб юборди.

Осмон узоқ, ер қаттиқ эди...

Азиз муштарий, ушбуни бадиий ҳикоя деб уйламанг, булган воқеа. Дурустбой ҳозир ҳам ҳаёт — нафақахур. Саккизта фарзанди, ушлаб неваралари бор. Беш вақт намазини қанда қилмайди. Утган гаплардан сурасангиз, ҳеч нарса айтмайди, Яраттаниннинг ишида, деб қўя қолади. Бу воқеаларни шарҳлашга менинг ақлим ҳам ожизлик қилади. Шу тўғайли нимаики эшитган бўлсам, ҳаммасини ҳоғозга тўқдим.

Ҳар қалай, дунёнинг хайратли ишлари куп экан...

Эсиргап БОЛИ



Х. САИДОВ сурати

Фойдали маслаҳатлар

ЗАРАРЛИ ОДАТ

Баъзи болалар ёши катта бўлиб қолса-да, сўргич сўриб юради. Бунга ота-оналар ҳам бефарқ бўлишади. Бу жуда зарарлидир. Чунки сўргични мунтазам сўриш натижасида боланинг тишлари нотекис ўсади, лунжи осилиб қолади.

Шунинг учун ёш болаларнинг ҳар хил нарсаларни сўриб юришига йўл қўймаслик керак. Бола қанчалик ўрганиб қолган бўлмасин, хархаша қилмасин, унга сўргич бермаслик лозим. Агар болани сўргичдан ажрата олмасангиз, вақтни ўтказмай врачга мурожаат қилмоқ зарур.

НОХУШ ДАРД

Баъзи болаларда нохуш дард — кечаси ўрнини ҳўллаб қўйиш касаллиги учрайди. Бу ҳолат аксарият асаб билан боғлиқ бўлиб, шунингдек сийдик йўли аъзолари хасталикларининг асоратлари ҳам бўлади. Умуман, сийдик тутта билмаслик дардига учраган болаларни албатта шифокорга кўрсатиш зарур. Шу билан бирга қуйидаги содда муолажалардан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади.

Болалар ухлаётганда чалқанча, кифти билан, ҳамда қорин билан ётмасдан, ёнбошлаб ухлаши бемавруд сийиб қўйишдан сақлайди.

Болалар уйку олдидан кўп

суюқлик ичмасликлари керак. Бунинг ўрнига зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ичиб туриш сийдик тутта билмасликка фойдали таъсир кўрсатади.

• Қовуғи сустиқдан, шамоллашдан бола ўрнини ҳўллаб қўйиши мумкин. Шунинг учун вақти-вақти билан боланинг киндикларига асал суртиб туриш тавсия этилади.

• Жағ-жағ ўтидан уч қошиқ солиб, бир стакан қайноқ сув қўйиб дамлама тайёрланади. Дамладан чорак стакандан 4 маҳал ичирилади.

• Шивит (укроп) уруғларидан бир ош қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувда, иложи бўлса, термосда дамлама тайёрланади. Дамлама бир йўла ичиб юборилади.
Д. РАҲИМОВА

БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

Ҳар бир киши уйку олдидан бир стакан сут ичиб ётадиган бўлса, хотиржам ухлайди. Айниқса, ёши кекса кишилар кечаси камроқ уйғониб, яхши ухлайди.

Сут янги тўкилган сиёҳ доғларини кетказади.

Эшик ромлари, кўзгулар сут билан артилса, яхши тозаланади.

Дераза пардаларини ювганда синка эритмасига озгина сут қўсангиз, пардалар худди янгидай

бўлади.

Гўштни бир-икки кунга бузилмасдан сақлаб туриш учун устига хом сут қўйиш керак. (Гўштининг ҳаммаси ботиб турадиган қилиб). Сут чиритувчи бактериялар кўпайишини тўхтайти туради

Мирпаёв ГИЁСОВ

ҚУЙМОҒИМ, ҚУЙМОҚ

Қуймоқ учун қилинган хамир кўтарилгандан кейин уни аралаштирманг, акс ҳолда қуймоғингиз яхши кўтарилиб пишмайди.

Агар қуймоқ хамири қаттиқ бўлса, унга сут қўшинг.

Қуймоқ учун тайёрланган хамирга бир қошиқ ўсимлик мойини қўсангиз, пишираётганда товага ёғ қуймасангиз ҳам бўлади.

ШЎРВАНИНГ ҲАМ СИРИ БОР

Товуқ гўшtidан тайёрланаётган шўрвага селдерей, лавр япроғи, пиёз сола кўрманг. Акс ҳолда, шўрвадаги хуштаъм ўзгаради.

Майда балиқдан шўрва тайёрланганда ичак-чавоқларини олиб ташлаб, бутун ҳолда пишириш лозим бўлади.

Муҳаббат ТУРҒУНОВА.

Дераза

ДОПЛАРИ КУП ДИРЕКТОР

Яқинда Иваново шаҳридан «Джип-тойота» автомашинасида Ярославль шаҳрига қайтаётган ёпиқ типдаги акционерлик жамиятининг бош директори ҳайдовчиси билан бирга «ГАИ» ва «ОМОН» кийимидаги бир қанча кишилар қўлига тушди. Аниқланишича, ўша кишилар бош директор ёнидаги 625 минг долларни олишганда, жуфтакни ростлаб қолишган. Текширувчилар ўғрилари қидириш билан бирга директорнинг шунча пулни қаердан олганлигини ҳам суриштиришмоқда.

1 АВГУСТДАН ЯНГИ МАОШ

Россия ҳукуматининг қарорига биноан 1 августдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори 55 минг рублга кўтариладиган бўлди. Давлат Думасининг депутатлари бу янгиликни катта қувонч кутиб олдилар.

ШУМЕЙКО ГРУЗИЯДА

Владимир Шумейконинг Грузияга расмий ташрифи катта шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида у Грузиянинг Абхазияга нисбатан муносабатини оқлаб чиқди. Унинг айтишича, Абхазиянинг мустақиллигини тан олиш мумкин эмасмиш. Республика раҳбари Ардзинба эса Дудаевга ўхшаган шахс ҳисобланиши керак экан.

ХАРЬКОВДА ШОВ-ШУВ

Шаҳар санэпидстанциясининг маълум қилишича, қувурлардаги ичимлик сувиди вабо касаллигининг микроблари борлиги аниқланган. Шаҳарнинг айрим худудлариди сувни қайта тозалаш мақсадида ичимлик суви тўхтатилган. Натижада фуқаролардан бири агарда ичимлик суви юборилмаса шаҳар метро станцияларидан бири портлатилажагини айтди. Албатта, бунинг олдини олиш учун барча районларга ичимлик суви юборилди.

ЛЕ-БУРЖЕДАГИ 41-АВИАСАЛОН

Франциянинг Ле-Бурже шаҳрида халқаро 41-авиа-космик салонлар кўриғи бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 41 мамлакатидан 1630 та авиафирма иштирок этди. Россиялик авиасозлар ўзларининг энг замонавий МиГ-29, Су-27, Су-32ФН, Су-29К ва Ту-160 каби самолётлари ҳамда Ми-35 вертолети билан кўриқда қатнашишди.

Хорижий манбалар асосида тайёрланди



Р. АЛБЕКОВ сурати

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳаётимизнинг қувончи, асал қизимиз ДИЛОБАР!

Сени 6 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Болалигинг беғубор, қувончларга тўла, келажакнинг эса порлоқ бўлишини тилаймиз.

ДЕБ ЭРКАЕВЛАР ОИЛАСИ НОМИДАН ДАДАЖОНИНГ.

Қарши шахри, Пахтазор мавзеси.

ОИЛА 40 ЁШДА

Оиласи билан ажрашган, топармон-тутармон йигит 30-35 ёшлардаги аёл ёки қиз билан танишмоқчи. Йигит ичмайди, чекмайди, китоб ўқишни севади.

«Оила-414»

30 ЁШДА

2 нафар фарзанди билан Тошкентда яшайдиган хоразмлик аёл ўқимишли, болажон, уйим-

жойим дейдиган йигит (хоразмлик бўлса, яна яхши) билан танишиб, оила куриш ниятида.

«Оила-415»

64 ЁШДА

Тўйтепадаги ҳовлисида ёлғиз яшайдиган зиёли, зарарли одатларга эга бўлмаган, соғлом эркак 40-55 ёшлардаги оқила, вазмин, фарзандлари бўлмаган аёл билан турмуш куриш ниятида. Миллатининг аҳамияти йўқ.

«Оила-416»

Ўзингизни биласизми?

КЎЗГУДАГИ ҚИЁФА

1991 йили жаҳон жамоатчилиги швейцариялик машҳур адиб Макс Фриш таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлади. Макс Фриш адабиётга XX асрнинг ўрталарида кириб келди. У ўзининг илк асари — «Яна улар кўшиқ айтишяпти» (1945) пьесасида миллатчиликни кескин қоралаб чиқди.

Адиб «Штиллер», «Ното Фабер», «Ўзимни Гантенбайн деб атайман» каби ийрик настрий асарлари билан дунёга танилди. Унинг замонавий услубда ёзилган қисса ва романлари XX аср жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан жой олди.

Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган саволлар адибнинг «1966-1971 йиллар кундалиги»дан олинган. Ўзгача «кундалик»лари одатдаги кундаликлардан фарқ қилади. Макс Фриш ҳар куни ўзида кечирган ҳис-ҳаяжон, таассурот ва ҳоказоларни ёзмайди. Унинг кундаликларини бадиий асарни ўқигандай мириқиб ўқийсиз. Улардаги «Анкета-лар» сизни ўз-ўзингизга таништиради, саволларга ҳолис жавоб бераркансиз, жамиятда тутган мавқеингизни, пулга, мансабга, оилага аслида қандай муносабатда бўлиб келётганингизни аниқ билиб оласиз.

Марҳамат, қалбингизни кўзгуга солиб кўринг, ўзингизни янада яхшироқ таниб оласиз, ажабмас.

- Сиз ким билан ҳеч қачон учрашмаслиқни истардингиз?
- Сиз кимгадир адолатсизлик қилганмисиз, буни уша киши билмаган бўлиши ҳам мумкин, буниг учун сиз ўзингиздан нафратланганмисиз?
- Хотиранигиз мустаҳкам бўлса, бу сизга маъқул келадими?
- Неча ёшгача умр куришни истардингиз?
- Сизга жамоани ёмон кўриш осонроқми ёки алоҳида бир одамни; Сизга қайси бири қулайроқ: ёлғиз ўзингиз ёмон кўришми ёхуд купчиликка қушилиб ёмон кўришми?
- Ақлли бўлиб кетаяпман шекли деган фикрингиздан қачон тўхтадингиз ёки ҳали ҳам уша фикрдამисиз? Ёшингиз нечада?
- Ўзингизга ўзингизнинг танқидий муносабатингиз таъсир кўрсатадими?
- Нима дейсиз: нега сизга аччиқ қиладилар ва нима сабабдан сиз ўзингизга жаҳл қиласиз; агар бунинг ақси рўй берса-чи, — нима учун сиз дарҳол кечирим сўрайсиз?
- Агар сиз туйқусдан: йўқ, мен тугилмаганман, бу ёруғ жаҳонда йўқман, деган ҳаёлга борсангиз, бу сизни безовта қилмайдими?
- Севганингиз борми?
- Нима учун шундай хулосага келдингиз?
- Сиз ҳеч қачон ҳеч кимнинг умрига зомин бўлмагансиз; бундай ҳодисанинг рўй бермаганини ҳўш, қандай изоҳлайсиз?
- Бахтли бўлишингиз учун сизга нима етишмайди?
- Қандай ҳолларда сиз миннатдорчилик туйғуларини ҳис эта-сиз?

МАКС ФРИШ

ТУФЛИМ

Туфлим мендан норози

Очилиб қопти оғзи.

Этикдўзга югурдим,

Ўн беш сўм ҳам олдим.

Этикдўз-Баҳодир

Ҳамма ишга у қодир.

Бир зумда ямаб берар,

Михни маржондек терар.

Ҳар гал келсам олдиға.

Менмас, у дейди раҳмат —

«Бозорим бўлмас касод,

Кўп яша, шайтон Аҳмат».

Ҳамидулла МҮМИНОВ, Тошкент шаҳар, 20-мактабнинг 7-синф ўқувчиси



Ҳамидуллани сиз яхши танимайсиз. У Тошкент шаҳридаги 20-мактабнинг 7-синфида ўқийди. Унинг ижоди ҳам болаларга хос ўзига ярашиб туради.

Биз Ҳамидулла Мўминовнинг шеърини сиз муҳлисларга тақдим этиш орқали унинг келажакдаги эзгу орзуларига яхшидан-яхши ниятлар тилаб қоламиз.

ЭР НОМУСИ — ЭЛ НОМУСИ

Туркман мақоллари

Оз бўлиб доно бўлгандан, кўп бўлиб девона бўл.

Оз элнинг доноси гапира-гапира тентак бўлар, кўп элнинг тентаги гапира-гапира доно бўлар.

Бирлашган тоғ ошар.

Бирлашган куч енгилмас.

Орқали кўппак бўри олар.

Бир чироқнинг атрофида кирқ одам уюшар.

Бир кўл билан чапак чалинмас.

Қарияли эл тарқамас.

Кўнгил-кўнгилдан сув ичар, қамиш — бўғиндан.

Суянишган йиқилмас.

Халтадаги — ўртада.

Кўл кўлни ювар, икки кўл бирикиб — юзни.

Эр номуси — эл номуси.

Юртни чопар яхши билади.

Одил ўлар, адолат ўлмас.

Ақлли ўрганар, аҳмоқ ўргатар.

Олғир қушнинг умри қисқа.

Ой туғса, олам кўрар.

От — одамнинг қаноти.

Бош бўлмаса, гавда — лош.

Туркманчадан Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси.

Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

14. ЖАНУШИРАСАН

Давоми. Боши ўтган сонларда

Гилам ёки одёлда оёқларингизни тўғри узатиб ўтиринг. Ўнг оёғингизни шу ҳолича қолдириб, чап оёғингизни тиззасидан букинг ва чап оёғингиз товонини ўнг думбангиз тагига теккизинг. Энди ўнг оёғингиз бармоқларини икки қўлингиз билан ушланг. Секин нафас чиқаринг ва нафас олманг. Қорнингизни кучингиз еткунича ичига тортинг. Сўнг аста-секинлик билан бошингиз ёки бурнингизни тиззангизга теккизинг. Бунга бир неча кунги машқлардан сўнг эришасиз. Бу ҳаракат Жануширасанни мукамал этади.

Секинлик билан нафас олиб тикланинг ва оёғингизни жойига — тўғрига узатинг.

Худди мана шу ҳолатни бошқа оёғингиз билан такрорланг. Чап оёғингизни тўғри узатиб ушланг ва ўнг оёғингизни букинг. Чап оёғингиз бармоқларини икки қўллаб ушланг ва тиззангизга бошингиз ёки бурнингиз билан тегишга ҳаракат қи-

линг. Бу асан иккала оёқ билан ҳам навбатма-навбат бажарилиши лозим. Сиз бунинг уч мартагача бажаришингиз мумкин.

ҲОИДАЛАРИ: Жануширасан орқа, бел ва орқа миянинг кучли, букилувчан бўлишига ёрдам беради. У йўғон нервлардаги оғриқларни даволайди ва болдирни ингичкалаштиради, сонларнинг ва тиззаларнинг соғлом ҳамда чиройли бўлишига ёрдам беради. Диабетдан шикоятланувчилар учун ушбу асан айниқса фойдали ҳисобланади. У жигар ва ичак касалликларини даволашга ёрдам беради. Ошқозонни ёғдан сақлайди.



Сўнги устун

СОХТА МАРКАЛАР

Италиянинг Неапол шаҳрида яшасанчи уч огайни — Маурицио, Лелло ва Пьер Лукалар йил давомида шахсий компьютер ёрдамида сохта почта маркалари тайёрлаш билан шуғулланишган. Улар одатда ҳар бир маркани ягона нусхада, ҳазил суратлар ва ёзувлар билан безаганлар. Жумладан, маркаларда «Уғрилган машиналарнинг 1 халқаро салони», «Бургалар сьезиди», «Неаполда сассик ва ифлос ичимлик суви ҳафталиги», «Каммора 200 ёшда» (Каммора — Неапол мафиясининг номи) каби ёзувларни ўқиш мумкин. Ҳазилхаш йигитлар бундай сохта маркалар ёпиштирилган хатларни мунтазам равишда Италиянинг турли вилоятларидан АҚШ, Хитой, Германиядаги дўстларига жўнатиб туришган.

ЭНГ ИССИҚ ДЕНГИЗ!

Арабистон ярим оролини Африка қитъасидан ажратиб туровчи Қизил денгиз дунёдаги энг иссиқ денгиздир. Ундаги сувнинг ҳарорати йил бўйи 30 даражадан пастга тушмайди. Ёз ойлари эса ҳатто 35-36 даражага кўтарилиб кетади. Бунинг асосий сабаби денгизнинг иккала қирғоғи ҳам юзлаб километрга қўзилиб кетган қўллардан иборатлигидадир.

Шуниси қизиқиш, Қизил денгиз атрофида йил бўйи бир томчи ҳам ёмғир ёғмайди. Денгизнинг номига келсак, кўм буронлари пайтида сувнинг юзи қизил-қизил тус олади. Шунинг учун уни Қизил денгиз дейишади.

ҚАЛАМПИР ОРОЛИ

Танзания яқинидаги Занжибар оролини дунёга машҳур қилган нарса қалампир муноқлари дейиш мумкин. Оролда йигирма минг гектар ерга қалампир экилади ва бутун дунёда ишлаб чиқариладиган қалампирнинг 80 фоизи Занжибарнинг ҳиссасига тўғри келади.

САЁҲАТЧИ ПИНГВИНЛАР

Одатда бир шимол ҳайвони деб билладиган пингвинлар нафақат абадий музликлар диёрида, балки иссиқ ўлкаларда ҳам яшар экан. Жанубий Америка яқинида, яъни шундоққина экваторда жойлашган Галапагос («Катта тошбақа») оролларида мингдан ортиқ пингвинлар бор. Уларнинг бундай иссиқ жойга қачон ва қандай қилиб келиб қолганини, иссиқдан қирилиб кетмаганини ҳозирча сир.

ҚАҲВА ҲАҚИДА

Қаҳва (кофе)нинг асл ватани Хабашистон бўлиб, уни истеъмол қилиш X-XI асрларда бошланган. Дунёдаги биринчи қаҳвахона эса бундан рақибсиз па-роса 444 йил олдин Туркиянинг Истамбул шаҳрида очилган. Бугунга келиб дунё бўйича етиштирилётган қаҳванинг эллик фоизи Бразилия ҳисобига тўғри келади. Энг сифатли ҳамда харидоргири ҳам Бразилия қаҳваси ҳисобланади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

олқишларларди. Бу манзара бирон-бир катта шаҳарга давлат бошлиғи келган дақиқаларни эслатарди.

1979 йил 11 августда пахтакорчилар авиация ҳалокати натижасида оламдан беравқат куз юмганларидан кейин Василис Хадзипанегис дўстлари хотирасини ед этиш мақсадида Ўзбекистонга келади. «Тошкент» меҳмонхонасидан жой олгач командалош дўсти Тулаған Исоқовга сим қоқиб, ундан эрталаб Боткин қабрисига олиб боришни илтимос қилади. Эрталаб Тулаған Василис енига келганда битта хона тулларида тулиб кетганди, маълум бўлишича Василис беравқат уйқудан туриб Олий бозорига бориб битта такси енгил машинани тулдириб анвойи тулларида харид қилган экан. Иккала дўст қабрисига бориб ешилкдан бирга катта булган уртолқари хотирасини ед олишди, улкан едгорлик пойи тулларида тулиб кетди.

Хадзипанегиснинг наватбади Тошкент таширифи чоғида мен у билан суҳбатлашини бахтига муассар бўлдим, аввал «Футбол чорраҳаларида» курсатувида иштирок этдик, кейинчалик «Ёш ленинчи» газетасида суҳбатимиз эълон қилинди. Шаҳар кўчаларини айланатиб «Болалар дунёси» дукони енида эсдалик учун расмга тушдик.

Баъзи тренерларда Василиснинг расмларини куриб қолдим, мен ҳам эсдалик учун расм суратман, у булса кулиб Грециядан олиб келинган расмларини улашиб булганини айтиди ва менинг манзилгоҳимни эзиб олиб албатта расм жўнатишини айтиди. Орадан бироз вақт утгач грек тилида ёзилган конвертти олганимда менинг суэниб кетганимни асти қуяверасиз, ундан хат билан биргаликда икки донна ранглар расм (албатта дастхат билан) оламан. Бирини Василиснинг тўп улаш турган ҳолати булса, иккинчисида эса жаҳон терма командаси аъзолари орасида туриб тулган эди, ҳар қанча фахрлансак арзийди, ер кураасидан футбол юлдузлари орасида собиқ пахтакорчи Василис Хадзипанегис ҳам бор эди.

Катта утлимиз Абборнинг никоҳ туйида қўлаб дўстларидан табрикнома ва шошпингчоналар олдик, улар орасида биз учун энг қимбатлиси узок Грециядан келган шошпингчонама булганди.

3. Никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк 12, 1, 14, 5.


4. Яратган тангрига ёлвориб илтижо қилиб тилак тилаш — 8, 13, 4.

5. Инсоний фазилатлардан бири — 2, 3, 4.

6. Туй-зиёфат маросимларида утказиладиган уйин-кулги кечаси — 3, 1, 6, 12.

Энди ушбу жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб қилсангиз, Анвар Мирзазода-нинг ибратли сўзини ўқийсиз.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**



«Пахтакор» командаси таркибида тўп суриб номи мамлакатга танилган моҳир ҳужумчилардан бири Василис Хадзипанегис эди, унинг ўзига хос ҳимоячиларни алдаб утиш маҳорати қўлаб футболчиларни доғда қолдирарди. Баъзи ҳужумчилар тўпни эгаллаб олгач ҳимоячиларни четлаб утишга ёки тезлик билан улардан узоқлашишга ҳаракат қиладилар. Кўпинча бундай вазиятларда ҳужумчи бир ҳимоячидан эзиб кетгани билан иккинчи ҳимоячи унинг комбинациясини барбод қилишга улгурарди.

Василис эса қанотда туриб тўпни қабул қилиб олгач, худди Биролар Абдураимовага ухшаб тўп-турги ҳимоячи томон бораверди, ҳимоячи эса унинг қайси томондан утишга ҳаракат қилаётганини билмай хуноб булади, орадаги масофа эса тобора қисқариб боради. Ана шундай вазиятда ҳужумчимиз алдамчи ҳаракатлар билан уйинчини шундай чағилтадики, у ниҳоят бир томонга ташланишга мажбур булади, Василис эса худди шунга қўлиб тургандек иккинчи томондан тўп билан олдинга ташланади, энди бу ҳимоячи учун ҳужумчини қувлаб етиш амри маҳол.

«Пахтакор»нинг Халқаро учрашувидан олдинги машғулоти томоша қилиш ниятида Тошкент вилоятидаги «Полиготдел» жамоа ҳужалиғи стадиони томон йўл олдик, машғулотларни бош мураббий Вячеслав Соловьевнинг ўзи бошқараётган экан.

...Майдон марказидан уч ҳужумчи тўпни бир-бирларига аниқ узатган ҳолда дарвоза томон яқинлаша бошлайдилар, уларнинг рўпасида эса уч ҳимоячи ҳамда дарвозабон Владимир Филатов. Тўп қанотда турган Василисга етказиб берилади, у рўпасига югуриб келган ҳимоячинини осонлик билан алдаб утади, тўпни шериғига оширмоқчи бўлиб оёғини кутарганда иккинчи ҳимоячи уша томонни тўсишга улгурди, ҳужумчи булса тўпни тасмадан қарама-қарши томонга ташланади, у тўпга етиб олганида тўп дарвозадан 5-6 метр ен томонда; дарвоза чизигидан майдон томон 30-40 см ичкарида эди. Филатов тўп тепилиши мумкин булган дарвоза устуни енига туриб олишга улгурди, дарвоза устуни билан Володя оралиғи

шунчалик тор эдики, унга зурга тўп ситиши мумкин. Дарвозабоннинг фикри-зикри дарвозанинг буш қолган томонида эди, қолган икки ҳужумчини ҳимоячилар ўз назоратларига олиб бўлишган, демак тўп уларга ошпирмайди. Шу ҳафтада Василис айнан устунга олиб бўлишган, демак тўп уларга ошпирмайди. Шу ҳафтада Василис айнан устунга олиб бўлишган, демак тўп уларга ошпирмайди.

Хадзипанегиснинг маҳорати кун сайин ушиб, у собиқ советлар мамлакатига терма командасига таклиф этилган йиллари «Пахтакор» наватбади учрашувда иштирок этиш учун Москвага келганида меҳмонхонага Греция элчихонаси вакиллари таширифи буюриб, Василисни ўша мамлакат профессионал командаларига таклиф этидилар.

Ахбор ИМОМХУҲАЕВ: «ФУТБОЛ — КУВОНЧИМ, ДАРДИМ ВА ФАХРИМ»

Ҳужумчи булса бу иш фақатгина ота-она розилигига боғлиқ эканлигини айтиди. «Пахтакор» Москвадан қайтишга улгурмасдан Греция футбол федерацияси аъзолари Тошкентга келиб Хадзипанегислар оиласида бўлишди ва орадан кўп утмасдан «Пахтакор»нинг моҳир ҳужумчиси Солоник шаҳрининг «Ираклис» командасида уйнай бошлади.

Василиснинг устозларидан бири, республикада хизмат курсатган тренер Сергей Арутюнов бўлиб, у тез орада Грециядан хат ва расм олади. Расмда Василиснинг Солоник шаҳри вокзалида қўлиб олиниши акс эттирилган, майдон футбол ишқибозлари билан тулиб-тошган, вокзалга келган поезди вагонни зинапоёсида Хадзипанегис куринади, мухлислар қўшларини кутарган ҳолда уни

учун вакил қилинган киши. 3. Бирон йигитга унаштирилган қиз (шу йигитга нисбатан) 4. Бир-бирларига нисбатан куёв ва келиннинг ота-оналари. 5. Отанинг отаси. 6. Бир ота-бободан тарқалган зуррўёд. 7. Ўзига мустақил ҳар бир оила ҳужалиғи. 8. Ҳовли олма,... ол. 9. Қиз учун куёв томонидан бериладиган нарса-лар. 10. Онанинг ака-укалари. 11. Бол ширин, болдан... ширин. 12. Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва узаро қариндошлик даражасини акс эттирувчи руйхат, силсила. 13. Ота ёки онанинг ўзидан кейинги учинчи авлоди. 14. Ака-укаларнинг хотинлари (бир-бирларига нисбатан олганда).

МУАММОНОМА

Куйида таърифланган сўзларни топиб, рақамларда ифодаланган очқични ҳал этинг:

1. Никоҳ вақтида ўқиладиган дуо—10, 13, 9, 3, 1.
2. Эр-хотиннинг уриши — дока 5, 11, 12, 4, 7 куриши.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1995 йил 3-сонда эълон қилинган жумбоқнинг жавоби: «Тил — дил қалити».

Шу йил 10-сонда босилган топқирлик машқининг жавоби: Очқичдаги сўзлар:

1. Равшанак. 2. Девали. 3. Эчки. 4. Баҳор. 5. Ун. 6. Суз.

Пайғамбаримизнинг муборак сўзлари: «Кошки биз учун ҳар кун навруз бўлса эди».

Ушбу топқирлик машқларига Фаргона вилоятдан Жабборали Усмонов, Қўқон шаҳридан Бахтиёр Абдуқодиров, Ғаллаоролдан Суюнбек Шодиев, Тошкентдан Осий ва Марям Ғозиевалар, Дилобар Ғозиева каби муштарийларимиз тўғри жавоблар йўллашган. Биз уларга миннатдорчилик билдириб, ишларида омад тилаймиз.

«ОИЛА» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар, қуйида таърифланган сўзларни топиб, белгиланган хонадан соат мили йўналишида ёзинг.

1. Эр-хотинликни расмийлаштириш маросими. 2. Уйланувчи йигит томонидан қиз томонинг розилигини сўраш

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95

Даврон БЕК

навбатчилик қилди

Обуна индекси - 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма Г-0313. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.